

**“ХУДУДИЙ ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРИ” АЖ**

**“НАМАНГАН ХУДУДИЙ ЭЛЕКТР  
ТАРМОҚЛАРИ  
КОРХОНАСИ”  
АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ**



**ЮРИДИК ИСТЕМӨЛЧИЛАР УЧУН  
ЭЛЕКТР ТАЪМИНОТИ**

**ШАРТНОМАСИ**

**№** 460033

Мен бул шартномаси

мойседа бергелениш

(корхона, ташкилот, муассаса номи)

**ЮРИДИК ВА ЮРИДИК МАҚОМГА ЭГА БҮЛМАГАН ТАДБИРКОР  
ИСТЕЙМОЛЧИЛАР УЧУН ЭЛЕКТР ТАЪМИНОТИ  
ШАРТНОМАСИ**

2022йил “\_” январь 460033-сон

Мингбулоқ  
T(Ш)ЭТК номи

**Низоми**

асосида фаолият юритувчи

Мингбулоқ туман ЭТК (туман(шахар) электр тармоқлари корхонасининг номи)

раҳбари \_\_\_\_\_ **О.Махсумхонов** \_\_\_\_\_  
(кейинги \_\_\_\_\_ (туман(шахар) электр тармоқлари корхонаси раҳбарининг Ф.И.О.)

уринларда

“Корхона” деб аталади) бир томондан Низом асосида фаолият юритувчи Мингбулоқ тумани ҳокимлигининг молия бўлими \_\_\_\_\_  
(истеъмолчининг номи)

раҳбари З.Т.Журабаев (кейинги уринларда “Истеъмолчи” деб аталади),  
(истеъмолчи раҳбарининг Ф.И.О.)

хисоб рақами – 4 6 0 0 3 3 иккинчи томондан мазкур шартномани қуидагилар тўғрисида туздилар:

### I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

Ушбу электр таъминоти шартномасига (кейинги уринларда - Шартнома деб аталади) мувофиқ, Корхона Истеъмолчига электр энергиясини (кейинги уринларда - энергия деб аталади) уланган тармоқ орқали етказиб бериш ва Истеъмолчи истеъмол қилинган энергия учун ўз вақтида ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.

### II. ЕТКАЗИБ БЕРИЛГАН ЭНЕРГИЯНИ ХИСОБГА ОЛИШ

2.1. Энергия истеъмолининг йиллик шартномавий ҳажми:

Актив \_\_\_\_\_ кВт.с. реактив \_\_\_\_\_ кВар.с

2.2. Етказиб бериладиган энергиянинг Шартнома тузилган кунидаги умумий нархи \_\_\_\_\_ сўмни, тариф(лар) бўйича 450 сўм

*тариф тури: табакалаштирилган, бир ставкали ёки 08.11.2017 йилдан ПҚ-3379 нинг руйхатида кўрсатилган маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва айрим хизматлар кўрсатувчи истеъмолчилар учун (кераклиси ёзилсан)*

ташкил этади.

2.3. Истеъмолчига етказиб бериладиган энергиянинг ойлар кесимидағи йиллик ҳажми ушбу Шартномага 1-иловада келтирилган.

2.4. Истеъмолчи томонидан олинган энергиянинг ҳақ тўланадиган ҳақиқий миқдори ушбу Шартномага 2-иловада назарда тутилган хисобга олиш приборларининг кўрсаткичлари асосида аниқланади.

2.5. Истеъмолчиларнинг (маишӣ истеъмолчилардан ташқари). Электр энергиясини хисобга олиш асбоболари, шунингдек электр энергиясини хисобга олишнинг бошقا воситалари истеъмолчининг маблағлари хисобига сотиб олинади, давлат қиёсловидан ўтказилади, худудий электр тармоқлари корхоналари томонидан бепул ўрнатилади, пломбаланади ва рўйхатдан ўтказилади.

### III. ХИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

3.1. Энергия учун хисоб-китоблар табакалаштирилган, бир ставкали ёки 2017 йил 8 ноябрдаги ПҚ-3379-сон қарорининг руйхатида кўрсатилган маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва айрим хизматлар кўрсатувчи истеъмолчилар учун амалга оширилади.

3.2. Уланган куввати 750 кВА ва ундан ортиқ бўлган Истеъмолчи (бюджет ташкилотлари, сув таъминоти ташкилотлари, фермер хўжаликлари ва сув

истеъмолчилари уюшмаларининг насос станциялари, шунингдек Давлат бюджетидан молиялаштириладиган насос станциялари бундан мустасно) электр энергияси учун ҳисоб-китобларни сутка вақтларининг табақалаштирилган тариф бўйича амалга оширади.

Истеъмол қилинган энергия учн табақалаштирилган тариф бўйича ҳисоб-китоблар:

ярим тифиз пайт – сутканинг ёруғ вақтида (соат 9<sup>00</sup> дан 17<sup>00</sup> гача) – белгиланган тариф бўйича,

тифиз пайт – энг катта юкламали соатларда (ягона электр энергетика тизимиning энг катта юкламали соатлари: эрталабки энг катта миқдор соат 6<sup>00</sup> дан 9<sup>00</sup> гача, кечки энг катта миқдор соат 17<sup>00</sup> дан 22<sup>00</sup> гача) белгиланган тарифга нисбатан 1,5 баравар миқдорда ўсувчи коэффициентни кўллаш орқали;

тунги пайт – сутканинг қоронғи вақтида (энг кам юкламали соатларида: 22<sup>00</sup> дан 24<sup>00</sup> гача ва 00<sup>00</sup> дан 6<sup>00</sup> гача) – белгиланган тарифга нисбатан 1,5 баравар камаючи коэффициентни кўллаш орқали амалга оширилади.

Белгиланган тариф II-тариф гурухи бир ставкали истеъмолчиларга қўлланиладиган тарифга туғри келади.

Табақалаштирилган тариф қўлланилмайдиган Истеъмолчига нисбатан энергия учун ҳисоб-китобларда бир ставкали тариф қўлланилади.

Уланган қуввати 750 кВА гача бўлган, электр энергиясини реализация қилишда нархни шакллантиришнинг алоҳида тартиби белгиланадиган ташкилотлар рўйхатига киритилган маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва айрим хизматлар кўрсатувчи Истеъмолчилар учун тўловлар Хукумат қарори билан белгиланадиган тарифлар бўйича амалга оширади.

3.3. Ушбу Шартнома бўйича Истеъмолчи ва Корхона орасидаги ҳисоб-китоб даври бир ой ҳисобланади.

3.4. Истеъмолчи ҳисоб-китоб даври тугагандан сўнг корхонанинг ваколатли вакили билан биргаликда ҳисобга олиш приборларининг кўрсаткичларини ҳар ойда ёзиб олади ва ушбу Шартноманинг 5-иловасига мувофиқ шаклда энергия сарфи бўйича ҳисботот тузади.

Истеъмолчи Корхонага энергиянинг сарфланиши тўғрисидаги ҳисботни ўз қўли билан, факсимил, электрон ёки почта алоқаси орқали ҳар ойнинг “\_30\_” санасигача худудий электр тармоқлари корхонасига тақдим этади.

Бунда, уланган қуввати 750 кВА ва ундан юқори бўлган тўловларни табақалаштирилган тарифда амалга оширадиган Истеъмолчилар бўйича энергия сарфи бўйича ҳисботда ишлатилган электр энергия (актив ва реактив) тўлиқ ҳажмидан ташқари тигиз, ярим тифиз ва тунги пайларда фойдаланилган энергия ҳажмлари алоҳида ҳам кўрсатилиши шарт.

3.5. Тарифлар ўзгарганда Истеъмолчи етказиб берилаётган энергия учун янги тарифлар киритилган кундан бошлаб янги тарифлар бўйича ҳақ тўлайди.

3.6. Истеъмолчига энергияни етказиб бериш келгуси ҳисоб-китоб даври бошланишидан олдин энергиянинг шартномавий миқдори қиймати учун олдиндан юз фоизлик (100%) ҳақ тўлаш асосида амалга оширилади. Бунда, ҳисоб-китобни 50 фоиз олдиндан ҳақ тўлаш асосида амалга ошириш хоҳишини билдирган истеъмолчилар ҳисоб-китоб амалга ошириладиган даврни кўрсатиб, ҳисоб-китоб даври бошланишидан камида 5 кун олдин билдирги тартибида Корхонага мурожаат қилганлари тақдирда 50 фоиз олдиндан ҳақ тўлаш асосида етказиб берилишига йўл қўйилади. Олдиндан ҳақ тўланмаган ҳамда 50 фоиз олдиндан ҳақ тўлаётган истеъмолчилар томонидан ойнинг охиригача якуний

хисоб-китоб амалга оширилмаган ҳолларда мазкур истеъмолчига нисбатан электр тармоқларидан тўлиқ узишгача бўлган чоралар кўрилади.

3.7. Корхона истеъмолчининг энергия сарфи тўғрисидаги ҳисботи асосида белгиланган тартибда ҳисоб-китобни амалга оширади ва беш кун ичida тўлов амалга ошириш учун ҳисоб-фактура ва тўлов ҳисоб-варагини тақдим этади.

Истеъмолчи турли тариф гурухларига тегишли бўлган бир нечта обьектга эга бўлса, ҳар бир тариф гурухи учун тариф кўрсатилган ҳолда умумий ҳисоб-фактура тақдим этадилади

Корхона томонидан маҳсус дастурий маҳсулот орқали ҳисоб-фактура ва тўлов ҳисоб-варагини шакллантирилади ҳамда сотиб олувчи тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилган ҳолда электрон рақамли имзо билан тасдиқланиб, оператор орқали роуминг операторига юборилади.

(ACOS: ВМнинг 25.06.2019 йилдаги 522-сонли “ЎЗАРО ҲИСОБ-КИТОБЛАР ТИЗИМИДА ЭЛЕКТРОН ШАКЛДАГИ ҲИСОБВАРАҚ-ФАКТУРАЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА”ги карори)

3.8. Ҳисобга олиш прибори ушбу Шартномага З-иловага мувофиқ, электр тармоқларининг мансублик баланси бўйича фарқлаш далолатномаси ва томонларнинг эксплуатация жавобгарлиги асосида аниқланадиган электр тармоғининг мансублик баланси чегарасида ўрнатилмаганда, чегарадан ҳисобга олиш прибори ўрнатилган жойгача бўлган участкада энергиянинг технологик сарфланиш ҳажми Истеъмолчи билан биргаликда ҳисоблаш йўли орқали аниқланади ва ушбу шартномага 4-иловага мувофиқ далолатномада кўрсатилади

Бунда, 750 кВА ва ундан юқори қувватга уланган, табақалаштирилган тарифда тўловларни амалга оширадиган Истеъмолчи учун энергиянинг технологик сарфланиш ҳажми сутканинг тифиз, ярим тифиз ва тунги пайтлари учун алоҳида аниқланиб, мутаносиб равишда жами олинган электр ҳажмининг тегишли пайтларига тўлов ҳақини ёзиш учун қўшиб борилади. (6-7-иловаларни реактив қувватга эга ва технологик бронли истеъмолчилар тўлдиради)

3.9. Истеъмолчи энергиянинг сарфланиши тўғрисидаги ҳисботни Шартномада кўрсатилган муддатда тақдим этмаган тақдирда, Корхона энергия истеъмолининг шартномада қайд этилган миқдори бўйича ёки ўтган давр учун ҳақиқатдан истеъмол қилинган электр энергияси тўғрисидаги маълумотлар асосида тўлов ҳисоб-варагини ёзди ва Истеъмолчининг шахсий ҳисоб рақамида бу ҳақида тегишли белги қўйилади.

Корхона истеъмолчининг ҳисоблаш приборидан кўрсаткичларни назорат тартибida ёзib олгандан кейин, амалда истеъмол қилинган электр энергияси учун қайта ҳисоб-китобни белгиланган тартибда амалга оширилади.

3.10. Корхона истеъмол қилинган электр энергиясининг амалдаги миқдорини аниқлаш учун улардаги электр энергиясини ҳисобга олиш асбоблари (маиший истеъмолчилардан ташқари) кўрсаткичларини ҳар ойда ёзив олиши ва зарур бўлганда электр энергиясини ҳисобга олиш асбобларини улаш схемасини текшириб қўриши керак. Истеъмолчи томонидан электр энергияси сарфи тўғрисида худудий электр тармоқлари корхонасига белгиланган шакл бўйича ўз кўли билан, факсимил.электрон ёки почта алоқаси орқали тақдим этилган ҳисбот юридик шахслар ҳамда тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи жисмоний шахслар учун истеъмол қилинган электр энергиясининг амалдаги ҳажмини аниқлаш учун асос бўлиб хизмат қиласиди.

ЭҲНАТнинг жорий этилиши муносабати билан истеъмолчиларнинг хисобга олиш асбобларидағи кўрсаткичлар автоматлаштирилган тизимнинг техник параметрларига мувофиқ, бироқ бир ойда камидаги бериладиган тизимнинг буортмаси бўйича ёзиб олинади.

Худудий электр тармоқлари корхоналари истеъмолчиларнинг шахсий хисоб-рақам ва хисобга олиш асбобларининг ҳолати хақида батафсил маълумотлар доимий асосда шакллантирилиши ва идоралараро электрон хамкорлик қилиш тизимида реал вақт режимида юборилишини таъминлайди.

3.11. Шартномада хисоб-китоб даври учун кўрсатилган энергия микдордан 5 фойздан ортиқ микдорда энергия истеъмол қилганда, Истеъмолчидан Шартномада кўрсатилган микдордан ортиқ истеъмол қилинган энергияси жаъми ҳажми учун белгиланган тарифнинг 1,15 баравари микдорида тўлов ундирилади.

3.12. Истеъмолчи ва Корхона ҳар ойда, хисоб-китоб даври тамом бўлгандан кейин беш кун мобайнида ўзаро хисоб-китобларнинг таққослаш далолатномасини тузади.

3.13. Истеъмолчини қўйидаги ҳолларда электр тармоқларидан узилади:

шартномавий мажбуриятлари бажарилмаганда;

хисоб-китоблар ўз вақтида амалга оширилмаганлиги оқибатида фойдаланилган энергия учун қарздорлик мавжуд бўлганда;

Корхона талаблари бажарилмаганда, шу жумладан, унинг тегишли вакилларига хисобга олиш приборлари кўрсаткичларини олишга йўл қўйилмаганда;

хисобга олиш приборларини қасдан бузганда, кўрсаткичларни ўзгартириш мақсадида уларнинг ишлашига ташқаридан аралашиб ҳатти-харакатлар амалга оширилганда;

электр энергиясидан ўғирлик тарзда фойдаланилгани, электр тармоқларига ноқонуний уланиш, талон-тарож қилиш ёки Электр энергиясидан фойдаланиш қоидаларини бузишнинг бошқа ҳолатлари аниқланганда.

3.14. Хисобга олинмаган энергия учун амалга оширилган қайта хисоб-китоб, Истеъмолчини қонун хужжатларида белгиланган тартибда Электр энергиясидан фойдаланиш қоидаларини бузганлик учун жавобгарликдан озод этмайди.

3.15. Истеъмолчи томонидан қоидабузарлик ҳолати бартараф этилиб, мавжуд қарздорлик ва тўлов пайтидаги энг кам ойлик иш ҳақининг ўн баравари микдорида тўлов ундирилгандан сўнг тармоқга қайта уланади (ЭҲНАТга уланган истеъмолчилар бундан мустасно).

3.16. Истеъмолчи электр тармоқларининг техник ҳолатини таъминлаш бўйича эксплуатация харажатлари учун субистеъмолчилар, истеъмолчи билан субистеъмолчи ўртасида тузилган алоҳида шартнома бўйича электр энергиясининг умумий хажмидан олинадиган улушга мутаносиб равишда хақ тўлайди.

Эксплуатация харажатларини субистеъмолчига бериладиган электр энергияси тарифига қўшишга рухсат этилмайди.

3.17. Истеъмолчи электр тармоқларининг техник ҳолатини таъминлаш бўйича эксплуатация харажатлари учун субистеъмолчилар, истеъмолчи билан субистеъмолчи ўртасида тузилган алоҳида шартнома бўйича электр энергиясининг умумий хажмидан олинадиган улушга мутаносиб равишда хақ тўлайди.

Эксплуатация харажатларини субистеъмолчига бериладиган электр энергияси тарифига қўшишга рухсат этилмайди.

3.18. Ўзб. Респ.”Оилавий тадбиркорлик тўғрисида”ги Қонуннинг 28-моддасига асосан;

Мазкур шартнома шартлари турар жойдан бир вақтнинг ўзида унда истиқомат қилган холда товарлар ишлаб чиқариш (ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш) учун фойдаланган оилавий корхоналарга ҳам тадбиқ этилади

#### **IV. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ**

4.1. Истеъмолчи қуидаги ҳуқуқларга эга:

Ўз электр қурилмаларини Корхона электр тармоқларига техник шартларга мувофиқ улаш;

сифат кўрсаткичлари давлат стандартларига мувофиқ ўрнатилган тартибда электр энергиясини олиш;

электр энергияси етказиб беришнинг тўхталиши ёки тўхтатиб қўйилиши сабаблари тўғрисида белгиланган тартибда ахборот олиш;

Корхонага истеъмол қиладиган энергия ҳажмларининг ўзгартирилиши тўғрисида белгиланган тартибда таклифлар киритиш. Бунда энергиянинг Шартномадаги ҳажмини ўзгартириш бўйича таклиф мўлжалланаётган ўзгартиришдан олдин 10 кундан кечикмай (жорий ой тугагунгача) берилиши лозим;

электр энергияси тўлиқ ҳажмда етказиб берилмаслиги ёки сифат кўрсаткичлари давлат стандартларига мувофиқ бўлмаган электр энергия етказиб берилиши оқибатида етказилган зарарни белгиланган тартибда қоплатиш;

Шартномани қонун ҳужжатларига мувофиқ бир томонлама тартибда бекор қилиш;

Шартнома бекор қилганда фойдаланилмаган энергия миқдори учун тўланган маблагни қайтарилишини талаб қилиш;

энергия етказиб берилиши тўхтатилганда етказилган зарарни қоплашни талаб қилиш;

электр таъминоти Шартномасини тузишда ва бажаришда юзага келаётган низоларни хал этиш учун судга ёки бўйсунуви бўйича юқори органга (mansabdor шахсга) мурожаат қилиш.

Истеъмолчи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

4.2. Истеъмолчи қуидагиларга мажбур:

белгиланган энергия истеъмоли режимига риоя этиш;

фойдаланилган энергия учун ўз вақтида ҳақ тўлаш;

эксплуатация қилаётган электр тармоқлари, приборлар, электр қурилмаларни зарур техник ҳолатини сақлаш, шунингдек, электр қурилмаларни эксплуатация қилишда ҳавфсизлик техникаси қоидаларига риоя қилинишини таъминлаш, Корхонага электр ускуналарининг носозлиги тўғрисида хабар бериш:

электр энергиясидан оқилона фойдаланиш чора-тадбирларини амалга ошириш;

Корхона ва “Ўзэнергоинспекция” қонуний кўрсатмаларини ўз вақтида бажариш;

Электр қурилмаларининг тузилиши қоидалари талабларини бажариш;

Корхона вакилининг хисобга олиш приборларини кўздан кечиришига белгиланган тартибда рухсат бериш;

йил мобайнида янгидан ишга тушириладиган электр қурилмаларидан фойдаланиш бошланишидан камида бир ой олдин энергиянинг зарур миқдори учун Корхонага буюрманома бериш;

келгуси йил учун энергияга бўлган эҳтиёжни аниқлашда энергияни электр тармоқларидан узатишда, ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг (ишлар турларининг)

технологик жараёни ишлаб чиқариш эҳтиёжларига, ишлаб чиқариш бинолари ва маъмурий биноларни ёритиш, иситиш, шамоллатиш учун электр энергия сарфини, шунингдек, ушбу электр тармоқларига уланган субистеъмолчиларнинг эҳтиёжини ҳисобга олиш.

Шунингдек, 5 МВт ва ундан юқори бўлган қувватга уланган Истеъмолчи, Корхона талабига асосан аниклаш ва хабар беришга мажбур:

истеъмол қилинаётган қувватнинг ҳар суткалик, ҳар ойлик сарфи ва амалдаги миқдори, энергетика тизимининг энг кўп ва энг кам юкламали даврларида реактив энергия ва қувватнинг ҳар суткалик сарфи,

энергетика тизимининг энг кўп юкламасининг ўтиш даврида актив энергия (куват)нинг ҳар 30 дақиқадаги сарфни.

Истеъмолчи қонун хужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

#### 4.3. Корхона куйидаги ҳуқуқларга эга:

Истеъмолчидан Шартномада белгиланган ўз мажбуриятларини кўрсатган даражасида бажаришини талаб этиш;

ушбу шартнома шартлари бажарилмаганда ёки бузилганда Истеъмолчи томонидан етказилган амалдаги зарарни белгиланган тартибда қоплатиш;

авария режимида, корхонани хабардор килиб Истеъмолчини электр тармоғидан узуб кўйиш;

Корхонанинг кўрсатмасига асосан, ҳамда ЭҲНАТга уланган ёки энергияга олдиндан ҳак тўлаш қурилмасига эга ҳисобга олиш прибори бўлган истеъмолчини олдиндан тўланган ҳак тугаганда электр тармоқларидан узиш.

Корхона қонунчиликка мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Мазкур Шартномага асосан Истеъмолчини электр тармоқларидан узилгандан кейин юзага келган холат учун Корхона жавобгар бўлмайди.

#### 4.4. Корхона куйидагиларга мажбур:

Истеъмолчига энергияни электр тармоғи орқали электр тармоқларининг баланс бўйича мансублик бўлиниш чегарасигача Шартномада кўрсатилган хажмда мунтазам етказиб бериш;

ускуналар, электр узатиш линияларини, ҳисобга олиш приборларидан фойдаланиш, уларга техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш, шунингдек, ўз электр хўжалиги обьектларидаги носозликларни бартараф қилиш;

электр хўжалиги обьектларини таъмирлаш билан боғлиқ электр таъминотидаги кутилаётган узилишлар тўғрисида уч кундан кечикмасдан огохлантириш;

Истеъмолчини электр энергиясини етказиб берилиши тўхтатилиши ва тўхтатилиш сабаблари тўғрисида хабардор қилиш;

киритилаётган чеклашлар тўғрисида, чеклашларни хажми ва вақти кўрсатилган холда олдиндан хабар бериш;

электр энергияси тўлиқ етказиб берилмаганлиги ёки электр таъминотидаги бошқа бузилишлар тўғрисидаги Истеъмолчининг аризасини, ариза олинган кундан бошлаб 10 кундан кечиктирмай кўриб чикиш, бартараф этиш ва батафсил жавоб юбориш;

Истеъмолчига ўрнатилган тартибда етказиб берилган энергия ҳисобини юритиш;

Истеъмолчининг белгиланган тартибда киритилган таклифларига мувофиқ, ўн кун муддатда электр энергиянинг ойлик шартномавий ҳажмига ўзгартиришлар киритиш, электр энергиянинг ойлик шартномавий миқдорини кўпайтириш (камайтириш) мумкин бўлмаган тақдирда – истеъмолчига бу ҳакда, рад этиш сабабини кўрсатган холда хабар қилиш;

Истеъмолчида ўрнатилган ҳисобга олиш приборларини алмаштириш, ўрнатиш ва техник хизмат кўрсатишни, шунингдек пломбалашни таъминлаш; сифат кўрсаткичлари давлат стандартига мувофиқ бўлган электр энергиясини етказиб бериш.

Корхона қонунчиликка мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

## **V. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

5.1. Электр таъминоти шартномаси бўйича тарафлар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда жавобгар бўлади шунингдек, шартнома шартлари бажарилмаган ёки тегишли тарзда бажарилмаган ҳолларда, Корхона бунинг натижасида етказилган заарни қоплашга, “Истеъмолчи” эса етказилган ҳақиқий заарни қоплашга мажбур.

5.2. Корхона Истеъмолчи олдида материал жавобгар бўлмайди агар:

Истеъмолчи электр энергияси истеъмолининг белгиланган режимига риоя қилмай, электр энергияси истеъмоли ёки қувватининг шартномавий микдоридан ошиб кетишига йўл қўйганда, худудий электр тармоқлари корхонаси томонидан белгиланган электр энергияси чеклаш жадвали бажармагани туфайли паст сифатли электр энергияси етказиб берилганлиги учун;

захира манбаи автоматик ишга тушганда, автоматик кайта улаш ва автоматик тарзда частотани созлаш билан боғлик ўчиришлар вактида электр энергиясини етказиб бериш борасидаги танаффуслар учун истеъмолчи олдида моддий жавобгар бўлмайди.

5.3. Корхона Истеъмолчини электр энергиясидан узилганда ёки енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ҳамда фавқулотда авария ҳолатлари юзага келганда (форс-мажор) Истеъмолчи олдида жавобгар бўлмайди.

5.4. Мазкур шартномани бажариш жараёнида юзага келадиган барча келишмовчилик ва низолар музокара ўтказиш орқали ҳал қилинади. Келишмовчиликларни музокара ўтказиш орқали ҳал қилишнинг иложи бўлмаганда, улар суд тартибида ҳал қилинади.

## **VI. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР**

6.1. Шартнома 2022 йил 31 декабргача бўлган муддатга тузилади.

Шартномага киритилган ўзгаришлар жорий ойда кўлланилмайди ва кейинги ойдан кучга киради.

Шартноманинг амал қилиш муддати тугаганда, томонлардан бири уни узайтириш ёки бекор қилиш бўйича ариза бермаган бўлса, шартнома кейинги ҳар бир йилга узайтирилган ҳисобланади (Бюджет ташкилотлари бундан мустасно). Ариза ушбу Шартноманинг амал қилиш муддати тугашидан бир ой олдин тақдим этилиши лозим.

6.2. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган ва томонларнинг ҳар бирида сакланаётган икки (Бюджет ташкилотлари учун уч) нусхада тузилган. Шартноманинг иловалари унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

6.3. Томонларнинг бирини ташаббуси билан Шартномани муддатидан олдин бекор қилиш, иккинчи томонни бекор қилиш муддатидан ўттиз кун олдин ҳабардор қилган холда ва томонлар ўзаро ҳисоб-китоб қилиши шарти билан бекор қилиниши мумкин. Бекор қилиш тўғрисида хабарнома ёзма равища юборилади.

6.4. Барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар факат ёзма равища амалга оширилиб, томонларнинг ваколатли шахслар томонидан имзолangan бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

6.5. Мазкур шартнома талабларида назарда тутилмаган тартиб – қоидалар Вазирлар Махкамасининг 2018 - йил 12 - январда 22 – сон қарори билан тасдиқланган Электр энергиясидан фойдаланиш қоидалари ҳамда бошқа амалдаги норматив – хукуқий хужожатлар талабларига мувофиқ тартиби солинади.

## VII. ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

### ИСТЕМОЛЧИ:

Юридик манзили Мингбулоқ туман Озодлик кўча 83-үй

Хисобрақами 100022860142047011312092004

Банк коди (МФО) 00014 (ИНН) 20073205

Республика ва маҳаллий бюджетдан молиялаштириладиган Истеъмолчилар учун:

Бюджет фондининг хисобрақами

Банк коди (МФО) \_\_\_\_\_ (ИНН) \_\_\_\_\_

Бюджетдан ташқари фондининг хисобрақами

Банк коди (МФО) \_\_\_\_\_ (ИНН) \_\_\_\_\_

ҚҚС тўловчининг коди \_\_\_\_\_

Телефонлар; \_\_\_\_\_ Факс; \_\_\_\_\_

(Истеъмолчининг, шу жумладан раҳбарининг уяли, факс телефонлари коди б/н ёзилади)

Кадастр № \_\_\_\_\_ : \_\_\_\_\_ ; \_\_\_\_\_ : \_\_\_\_\_ ; \_\_\_\_\_ : \_\_\_\_\_

### Статистик кодлар:

ОКЭД \_\_\_\_\_

СООГУ \_\_\_\_\_

СОАТО \_\_\_\_\_

КФС \_\_\_\_\_

КОПФ \_\_\_\_\_

ОКПО \_\_\_\_\_

### КОРХОНА: Мингбулоқ туман ЭТК

Почта манзили Жомашуй ш, Бирлашган МФЙ, Э.Ўрмонов кўчаси 85 уй.

Хисобрақами 22636000300510058369

Банк коди (МФО) 00224 (ИНН) 200048685

ҚҚС тўловчининг коди 314010005779

Телефонлар: 69-452-10-58 Факс: 69-452-27-77

### Статистик кодлар:

СООГУ \_\_\_\_\_

СОАТО \_\_\_\_\_



Истеъмолчи:

З.Журабаев

M.U. ишзо, давоззами, Ф.И.О.

Корхона:

О.Махсумхонов

M.U. ишзо, давоззами, Ф.И.О.



ХУҚУҚШУНОС ХУЛОГАСИ:

Мазкур электр энергиядан фойдаланиш шартномаси Мингбулоқ хукуқшуноси А.Ҳасанбоев

Ф.И.О.

Ўз Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2018-йил 12-январдаги 22-сонли карори талабларига мувофик тузилган. Томонлар ўртасида мазкур шартномани тузиш учун Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик талаблари монийлик килмайди. Шартнома иштирокчиларининг хукуқ ва мажбуриятлари Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси ва «Хўжалик юритувчи субъектлар фаoliyatining шартномавий хукукий базаси тўғрисида»ги қонуни талабларига жавоб беради. Шартнома шартлари юзасидан келиб чиқиши мумкин бўлган жавобгарлиг масаласи томонлар ўртасида қонний келишилган. Шартнома юзасидан шартнома иштирокчилари ўртасидаги низоми хал килиш тартиби бештапнган.

Хукуқшунос:

(имзоси)

### Етказиб бериладиган энергия ҳажми

1. Тариф гурухи II
2. Фаолият тури мажлис бўйича
3. “Истемолчи” электр қурилмаларининг уланган қуввати: 15 кВА (кВт)
4. Техник шарт бўйича рухсат берилган қувват кВт
5. Электр таъминоти ишончлилиги бўйича тоифаси (лойиха бўйича) III
6. Ҳисоб-китоб тури: бир ставкали

тариф тури: табакалаштирилган, бир ставкали ёки 08.11.2017 йилдан ПК-3379 нинг руйхатида кўрсатилган махсулот  
ишлаб чиқарувчи ва айrim хизматлар кўрсатувчи истемолчилар (кераклиги ёзилсин)

	Энергия ҳажми минг. кВт.с	Шу жумладан, тариф гурухлари бўйича			
Йил, жами					
Январ	<u>3,555</u>				
Феврал	<u>3,555</u>				
Март	<u>2,223.</u>				
Апрел					
Май					
Июн					
Июл					
Август					
Сентябр					
Октябр					
Ноябр					
Декабр					

Ташкилот кунига ишлайди 8 соат, ойга 30 кун

Умумий юкга нисбатдан сменалар бўйича юкланиш % I   , II   , III   

Истемолчи

З.Журабаев

(Имзо, Ф.И.Ш., сана)



М.ў

Корхона

О.Махсумхонов

(Имзо, Ф.И.Ш., сана)



Энергияни хисобга олиш приборлари ўрнатилган жойлар ва уларнинг тавсифлари

“Истемолчи”нинг (суб“Истемолчи”нин г) хисобга олиш прибори ўрнатилган жойлар, тури ва кучланиш тоифаси (кВ) кўрсатилган холда	Хисобга олиш прибори тури (актив), (номинал токи)	Хисобга олиш прибори раками	Хисобга олиш прибори клемма қопкоғидаги пломбанинг раками	Ўлчов трансформатор- ларининг трансформация коэффициенти	Хисоб-китоб коэффициенти	Хисобга олиш приборининг Шартнома тузилган кундаги кўрсаткича ри хисоблагич кўрсаткичи	Тариф тури сум/ 1 кВт.с.
0,4 кВ милодидоне	Меркурий ўзбек ўзб	14430878	—	—	380	2236473	450,00

Имзолар:

Истемолчи:

3.Журабаев

М. Ў.

(Имзо)



Корхона:

О.Махсумхонов

М. Ў.

(Имзо)



Электр таъминотининг шартномасига  
3 - илова

**Томонлар электр тармоқларининг баланс мансублиги  
ва эксплуатация қилиш бўйича масъуллик чегараси  
ДАЛОЛАТНОМАСИ**

**Изоҳ; Хар-бир эл.хисоблагичга алоҳида 3- ва 4-иловалар тузилади**

Хисоблагич № \_\_\_\_\_ т/ток \_\_\_\_\_ кучланиш, \_\_\_\_\_ кофициент, \_\_\_\_\_ уланган қуввати \_\_\_\_\_ квт  
Хисоблагичдан уланган манзил; \_\_\_\_\_

шахар, кфй, мфй, куча уй №

1. Тариф гурухи \_\_\_\_\_ Фаолият тури \_\_\_\_\_  
Труба шил.чик, Шлакоблок, Фишт, Пленка шил чик, Акфа цехи, Насос, Савдо, Кафе., Ошхона, Устахона ва...???

1. “Истеъмолчи”нинг балансида қуидаги электр қурилмалар мавжуд:

a) хаво линиялари \_\_\_\_\_

b) кабель линиялари \_\_\_\_\_

b) подстанциялар, трансформатор подстанциялари ТП № \_\_\_\_\_, \_\_\_\_\_ кВА

2. Истеъмолчи ва Корхона ўртасидаги электр тармоқларнинг баланс бўйича  
mansublik chegarasi \_\_\_\_\_

3. Улардан қуидагиларга:

a) \_\_\_\_\_ *Менародеки бешенаб*

хизмат кўрсатиш Истеъмолчи ходимлари томонидан,

b) \_\_\_\_\_ *Кефсашишнидай*

Истеъмолчи билан тузилган “техник хизмат кўрсатии” № \_\_\_\_\_ сана \_\_\_\_\_ й. шартномаси асосида электр таъминоти корхонаси ходимлари томонидан хизмат кўрсатилади. “Техник хизмат кўрсатии шартномаси тузмаса Т(Ш)ЭТК томонидан хизмат кўрсатилмайди”

4. Электр қурилмаларнинг ҳолати ва уларга хизмат кўрсатиш бўйича жавобгарлик чегараси қуидагича белгиланди: *Менародеки кефсашишнидай бешенаб*

*Боғра журушида ве топографи*

Вакиллар:



3.Т.Журабаев  
(Ф.И.Ш.)

О.Махсумхонов  
(Ф.И.Ш.)

Электр таъминотининг шартномасига  
4 - илова

### Энергияни йўқолишларини аниқлаш бўйича ДАЛОЛАТНОМА

Энергия ҳисобга олиш приборлари электр тармоқларининг баланс бўйича мансублик чегарасида ўрнатилмаганда, электр тармоқларининг баланс бўйича мансублиги чегараси ҳисобга олинган ҳолда мансублик чегарасидан ҳисобга олиш прибори ўрнатилган жойгача бўлган қисми ҳисоблаш йўли билан аниқланади ва қуидагиларга ҳисобланади:

а) Куввати \_\_\_\_\_ кВА бўлган трансформаторлардаги ойлик актив энергиянинг йўқолишлари \_\_\_\_\_ кВт.соат ёки \_\_\_\_\_ %, реактив энергия йўқолишлари \_\_\_\_\_ кВАр.соат ёки \_\_\_\_\_ % ташкил этади;

б) Истеъмолчининг кабель линияларидағи ҳар ойлик энергияни йўқотиш:

Узунлиги \_\_\_\_\_ м;

Кесим юзаси \_\_\_\_\_ мм<sup>2</sup>;

Русуми \_\_\_\_\_ ;

Кучланиши \_\_\_\_\_ кВ бўлса, \_\_\_\_\_ кВт.соатни, ёки \_\_\_\_\_ % ташкил этади;

в) Истеъмолчининг ҳаво линияларидағи ҳар ойлик энергия йўқолишлари:

Узунлиги \_\_\_\_\_ м;

Кесим юзаси \_\_\_\_\_ мм<sup>2</sup>;

Русуми \_\_\_\_\_ ;

Кучланиши \_\_\_\_\_ кВ бўлса, \_\_\_\_\_ кВт.соатни, ёки \_\_\_\_\_ % ташкил этади.

Ушбу Шартноманинг 3.8 бандига асосан юқорида кўрсатилган энергия йўқолишлари Истеъмолчининг ҳар ҳисоб-китоб даври учун, ҳисоб-китоб давридаги амалдаги энергия истеъмолидан ва 1-иловада кўрсатилган ишлаш тартибидан аниқланади.

Корхонанинг электр тармоқлари ва уйларнинг ички электр тармоқларининг бўлиниш чегарасидан умумий мулк ҳисобланадиган ушбу тармоқлардан таъминланадиган майший истеъмолчиларнинг электр энергиясини ҳисобга олиш асбобларигача бўлган электр тармоқларидаги электр энергияси йўқотишлари ҳисоб-китоб қилиш йўли билан аниқланади ва уй-жой мулкдорлари ширкатлари ёки коммунал-эксплуатация ташкилотлари истеъмолига қаратилади

Имзолар:

Истеъмолчи:

М.Ў

(Имзо)

Корхона:

М.Ў.

(Имзо)

**Энергия (актив, реактив) сарфи бўйича  
ХИСОБОТ**

2022 йил \_\_\_\_\_ ойи бўйича

Кўрсаткичлар қайд этилган сана « » 20 \_\_\_\_ йил.

Уланган жой номи, хисобга олиш приборининг завод раками, хисобга олиш тури (актив, реактив)	Хисоб-китоб коэффициенти			Хисобга олиш прибори кўрсатгичлари		Хисобга олиш прибори курсаткичларининг фарқи	Сарф кВт.с., кВАр.с.	Табакалаштирилган тариф бўйича сарф кВт.с.				
	ток трансформаторининг (ТТ)	кучла-ниш трансформаторининг (КТ)	умумий	бошланғич	охирги			Эрталабки тифиз вакт	Кун	Кечки тифиз вакт	Тун	
				соат 6-9	соат 9-17	соат 17-22	соат 22-24	соат 0-6				
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13
Жами												

Изоҳ: гр 7= гр 6- гр 5, табакалаштирилган хисоб учун назорат раками гр 7= гр 9+гр10+гр11+гр12+гр13  
гр 8 = гр 7\*гр 4



Истеъмолчи раҳбари

Ф.И.Ш.имзоси

М.Ў.

Корхона энергетики

Ф. И. Ш.имзоси


МИБ вакили

Ф.И.Ш.имзоси

### Компенсация қурилмаларининг ишлаш режими

#### 1. Компенсация қурилмаларининг белгиланган қуввати

Т/р №	Компенсация қурилмаларининг турлари	Куввати	Уланиш вақти		Жами
			Эрталаб	Кечқурун	
1.	Конденсаторлар, кВАр 1000 Вгача 1000 Вдан юқори, жумладан:				
1.1.	Автоматик бошқариладиган: 1000 Вгача 1000 Вдан юқори,				
1.2.	Кўлда бошқариладиган: 1000 Вгача 1000 Вдан юқори,				
2.	Синхрон двигателлар - (СД), кВт				
3.	СДнинг реактив қуввати, кВар (СДнинг ўрнатилган қувватининг 30 фоизи, кВт)				
4.	Жами (16.+3б.) кВАр: 1000 Вгача 1000 Вдан юқори.				



ИЗОХ: авторежимда ишлайдиган конденсатор қурилмалари билан жиҳозланган ташкилотлар уланиш вақтларини тўлдириши шарт эмас.

## 2. Реактив энергиянинг иқтисодий миқдори

Йил, ой	Реактив энергиянинг иқтисодий миқдори (кВАр.соат)	Шу жумладан тариф гурӯҳлари бўйича		
		Май	Июн	Июль
Январь	3555	1599750		
Февраль	3555	1599750		
Март	2223	1000350		
Апрель				
Май				
Июнь				
Июль				
Август				
Сентябрь				
Октябрь				
Ноябрь				
Декабрь				

Реактив энергиянинг ҳар бир ҳисобот даври учун иқтисодий киймати, ушбу Шартномада кўрсатилган ва ўрнатилган тартибда аникланадиган қувват коэффициентининг оптимал миқдори ҳисобга олиниб, ушбу давр учун актив энергиянинг шартномадаги миқдоридан келиб чиккан ҳолда аникланади.

Ҳисобот даврининг якуни бўйича реактив энергия иқтисодий қийматининг амалдаги миқдори истеъмол қилинган актив энергия ва қувват коэффициентининг шартномавий миқдоридан келиб чиккан ҳолда аникланади.

Тарифга устама кўшилган қиймат солиги ҳисобга олинмаган ҳолда фаол энергиянинг амалдаги тарифи бўйича:

5% - реактив энергиядан иқтисодий қиймат доирасида фойдаланилганда, бу амалда истеъмол қилинган актив энергия ва қувват коэффициентининг шартномавий миқдоридан келиб чиккан ҳолда аникланади;

10 % - реактив энергиядан иқтисодий қиймат миқдоридан ортиқ фойдаланилганда, бу амалда истеъмол қилинган актив энергия ва қувват коэффициентининг шартномавий миқдоридан келиб чиккан ҳолда аникланади;

Реактив энергия компенсацияси учун электр энергияси тарифига устамалар жарима санкцияси ҳисобланмайди ва электр таъминоти шартномасига асосан ундирилади.

Реактив энергия ўрни етарлича тўлдирилмаслиги ҳисобига қувват коэффициентининг норматив қиймати Истеъмолчи томонидан қўллаб-қувватланмаслиги аникланганда, ҳудудий электр тармоқлари корхонаси томонидан конун хужжатларида белгиланган тартибда актив электр энергия йўқолиши қийматининг техникик-иқтисодий ҳисоб-китоблари амалга оширилади, шунингдек, қувват коэффициенти кўрсаткичлари белгиланган нормативларга нисбатан пасайтирилганлиги учун Истеъмолчилардан қўшимча маблағлар ундирилади.

Бунда ҳисоб-китоблар ва қўшимча маблағни ундириш ҳисоб-китоб даврида Шартномада кўрсатилганига нисбатан Истеъмолчи томонидан қувват коэффициентининг амалдаги қийматини пасайтиришга йўл қўйилганлиги тўғрисида “Ўзэнергоинспекция”нинг тасдиклови бўлганда амалга оширилади.

Тариф чегирмалар истеъмолчи ягона электр тизими тармоғида электр тармоғининг катта юкламили соатларида реактив энергия ҳосил килганда ва электр тармоғининг кичик юкламили соатларида энергия тизими тармоғидан реактив энергия истеъмол қилинганда, агар Истеъмолчининг бундай режимида ишлаш зарурати Шартномада кўрсатилган бўлса, тақдим этилади.

Чегирма кўшилган қиймат солиги ҳисобга олинмаган ҳолда актив энергия учун амалдаги тарифнинг 15% миқдорида белгиланади.

**Истеъмолчи:**

(Имзо)

М.Ў.



Электр таъминотининг шартномасига  
7 - илова

**Авариявий ва технологик бронни аниқлаш бўйича  
ДАЛОЛАТНОМА**

Истеъмолчининг

иширикода тузилди.

Ягона электр энергетикаси тизимида узоқ муддатли ёки қисқа муддатли қувват танқислиги юзага келганда Истеъмолчи қуидагиларни бажариши керак:

1. Ускуна юкламасини технологик брон даражасигача пасайтириш:

T/p №	Технологик бронига тааллуқли цехлар ва агрегатлар номи*	Ишда қолдирилган юкламалар қуввати (кВт)	Изоҳ
1.			
2.	<i>(Signature)</i>	<i>(Signature)</i>	<i>(Signature)</i>
3.			
4.			

Жами: \_\_\_\_\_ кВт

\*а) Барча цехлар ва агрегатлар зудлик билан ўчирилади. Ўчирилиши яроқсиз маҳсулот ишилаб чиқарилиши, ускунанинг бузилиши, портлаши, ёнгин, заҳарланиши ва бошқа баҳтсиз ҳодисаларга олиб келувчи цехлар ва агрегатлар бундан мустасно.

б) Технологик бронга шунингдек авария бронига тааллуқли цехлар ва агрегатлар ҳам киради (2-бандга қаранг.)

Технологик бронни чеклаш босқичлари:

I босқич \_\_\_\_\_ кВт

II босқич \_\_\_\_\_ кВт

III босқич \_\_\_\_\_ кВт

IV босқич \_\_\_\_\_ кВт

2. \_\_\_\_\_ ўтганидан кейин цехлар ва агрегатлар авария брони даражасигача узиб куйилади.

T/p №	Авария бронига тааллуқли цехлар ва агрегатлар номи*	Ишда қолдирилган юкламалар қуввати (кВт)	Изоҳ
1.			
2.	<i>(Signature)</i>	<i>(Signature)</i>	<i>(Signature)</i>
3.			
4.			

Жами: \_\_\_\_\_ кВт

\* а) Ўчирилиши сув таъминоти, алоқа воситалари ишининг тўхташига, иситии тизимининг музлаб қолишига олиб келувчи цехлар ва агрегатлар, ҳамда қўриқлаш ёритгичлари юкланиши остида қолдирилади.

б) Ёнгинга қарши захира насослар ва бошқа ёнгинга қарши агрегатлар авария бронига кирмайди (ушибу агрегатлар, заруратга қараб, олдиндан Корхона билан келишилган ҳолда рўйхатга киритилиши мумкин).

Имзолар:

Истеъмолчи: *(Signature)*

М.ў. (Имзо) \_\_\_\_\_



№	Ойлар	Жами шартномона буйича				Шу жумладан 092 параграф
		микдори	Базавий сума	Индексация	Хаммаси	
1	Январ	3555,0	1 599 750,0		1599750,0	3555,0
2	Феврал	3555,0	1 599 750,0		1599750,0	3555,0
3	Март.	2223,0	1 000 350,0		1000350,0	2223,0
	1-чорак	9333,0	4 199 850,0	0,0	4199850,0	9333,0
4	Апрел				0,0	0,0
5	Май				0,0	0,0
6	Июн				0,0	0,0
	2-чорак	0,0			0,0	0,0
7	Июл				0,0	0,0
8	Август				0,0	0,0
9	Сентябр				0,0	0,0
	3-чорак	0,0			0,0	0,0
10	Октябр				0,0	0,0
11	Ноябр				0,0	0,0
12	Декабр				0,0	0,0
	4-чорак	0,0			0,0	0,0
	жами йиллик	9333,0	4 199 850,0		4199850,0	9333,0
						4199850,0



(мухр)



Хизмат курсатувчи рахбар:  
Бош хисобчи:  
(мухр)



Использованчи рахбар:

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN  
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY  
XULOSA**

**№TD00133436**

1. Loyihaning turi. Shartnoma.

2. Loyihaning nomi. Elektr energiyasidan foydalanish to'g'risida.

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot.

Buyruq loyihasi Mingbulloq tuman Moliya bo'limi tomonidan ishlab chiqilgan va markazga huquqiy ekspertizadan o'tkazish uchun 2022-yil 26-yanvarda kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjalariغا muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

Markaz bosh yuriskonsulti



D.Tuxtanov

26.01.2022 y.